


Рамазон ойида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фатво марказида рўзага оид саволларга туну кун жавоб бериш тизими жорий этилди



12:28 / 05.04.2022 2527

Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво маркази ташаббуси билан Рамазон ойида мўмин-мусулмонларнинг телефон орқали йўлланган рўза тутиш билан боғлиқ барча шаръий масалаларга уламоларнинг туну кун жавоб бериш тизими жорий этилди.

Мўмин-мусулмонлар шу йилнинг 2 апрелдан 2 майга қадар ҳафтада етти кун, кунда 24 соат давомида ўзларининг рўза тутиш билан боғлиқ шаръий саволларига жавоб олишлари мумкин бўлади (ибодат вақтларидан ташқари).

24 соат давомида қуйидаги телефон рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин: 78-150-33-44.